O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2008-yil • 23-sentabr • Seshanba • 117 (27.922) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

«Барчамизга маълумки, инсон ўзлигини англагани, насл-насабини чуқурроқ билгани сари юрагида Ватанга муҳаббат туйғуси илдиз отиб, улғая боради. Бу илдиз қанча теран бўлса, туғилиб ўсган юртга муҳаббат ҳам шу қадар юксак бўлади».

Фарғонадаги масъулияти чекланган жамият шаклидаги 1-қурилиш-монтаж ташкилоти «Ёш оилалар уйи» иншоотини бунёд этиш топшириғини ўз зиммасига олган. Шаҳарнинг марказий даҳаларидан бирида тез орада янгича лойиҳадаги уй-жой бинаси қад ростлади ҳам.

ЁШ ОИЛАЛАРГА ЯНГИ ЛОЙИҲАДАГИ УЙЛАР

— Биз йил охиригача уй калитларини ўз эгаларига топширамиз, — дейди қурилиш ташкилоти раҳбари Раҳматжон Эркабоев. — Улардаги пардоз ишлари ҳам хонадонлар эгалари истаклари инобатга олинган ҳолда бажарилмоқда.

Бу йил вилоятда 4 та кўпқаватли уй қурилиши давлат дастурига киритилган бўлса-да, ички имкониятлар ҳисобига 10 та уйнинг фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган. Ҳозиргача Қўқондаги шундай уйларнинг иккитасида ёшлар уй тўйларини нишонлашди. Элёр ва Дилноза Бейматовалар қизалоғи Дурдонахон билан барча қулайликларга эга уч хонали уйга кўчиб ўтдилар.

— Биз ота-онамиз қучоғидан чиқиб, ўз уйимизда ўзимизни янаям улғайгандек ҳис қилдик. Оила, Ватан олдидаги бурч деган тушунчалар кенгроқ ва чуқурроқ эканини англадик. Бизга шундай ғамхўрлик кўрсатганлари учун мамлакатимиз Президентига чексиз миннатдорчилик билдирамиз, — дейди Дилноза Бейматова.

«Ғаллабанк»нинг Қўқон бўлими бу оилага 15 йил муддатда узиш шарти билан энг кам 14 фоиз устама билан имтиёзли кредит берди.

— Олаётган иш ҳақимдан бир қисмини пул ўтказиш йўли билан узаман бу қарзни, — дейди Элёр Бейматов.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгашида Қўқон, Марғилон, Фарғона шаҳарларидаги қурилиши тугалланаётган уйлар учун ҳам ёш оилалардан аризалар олиниб, уларга «Ипотекабанк», «Алоқабанк», «Ҳамкорбанк» кредитлари расмийлаштирилмоқда.

Муҳаммаджон ОБИДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Суратларда: *Қўқон шаҳридаги ёш оилалардан бири Элёржон ва Дилнозахонлар фарзанди билан; фойдаланишга топширилган янги уйларнинг кўриниши.*

Муқимжон ҚОДИРОВ, (ЎзА) олган суратлар

БУГУНГИ ВА ЭРТАНГИ КУНИМИЗНИНГ

ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧИ

«Ёшлик» талабалар шаҳарчасида Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг 90 йиллигига бағишланган «Ёшлар бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир» мавзуида мамлакатимиз олий ўқув юртлари талабаларининг фестивали бўлиб ўтди.

4-бет >

✓ ЎзХДП ҳаёти

МИЛЛАТ МАЪНАВИЯТИ — БЕБАҲО БОЙЛИК

Мамлакатимизда маънавий бойлигимизни тиклаш, асраб-авайлаш йўлида тобора кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Минг йиллар давомида вужудга келган миллий қадриятларни тиклаш, муҳофаза қилиш ва янада бойитиш масалаларини кенг жамоатчилик орасида тарғиб этишга бағишланган турли анжуманлар ўтказилмоқда. Шундай тадбирлардан бири Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ва Тошкент шаҳар кенгаши ташаббуси билан Шайхонтоҳур туманидаги «Чақар» маҳалла гузарида бўлиб ўтди.

Суҳбатда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, партия фаоллари, олимлар ҳамда маҳалла жамоатчилиги, ёшлар иштирок этди. Сўзга чиққанлар мустақилликнинг тарихий аҳамияти ҳамда ўтган йилларда мамлакатимизда рўй берган туб ўзгаришлар, жумладан маънавий тикланиш, юксалиш, маънавий баркамоллик ҳақида тўхталиб, Президентимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида бу масалалар теран таҳлил этилганига эътибор қаратдилар.

— Бу китобнинг моҳиятини англаш, тушуниш ҳар биримиз учун муҳим ҳаётий аҳамиятга эга, — деди ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Учқун Шойимқулов. — Шу боис ҳам бугунги тадбирга кўпроқ ёшлар, маҳалланинг оддий одамлари таклиф этилди.

2-бет >

Нигоҳ

Биринчи мақола

ЎН ИККИ ЮЛДУЗ ШУЎЛАСИ ОСТИДА

Асрий орзуларимиз ушалиб, миллий мустақиллигимизга эришганимизга ўн етти йил тўлди.

Натижада:

— Жонажон Ўзбекистонимиз мустақил мамлакат сифатида дунё харитасидан яна ўз ўрнини эгаллади, мустаҳкам сарҳадларига эга давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзосига айланди;

— Ўзбек халқи неча минг йиллик ўтмиши, бугуни ва эртасининг, буюк аждодлар қолдирган моддий ва маънавий мероснинг, она диёридаги ер ости ва ер усти бойликларининг, энг муҳими, ўз тақдири ва фарзандлари келажагининг мутлақ эгаси бўлиб қолди;

— юртимиз тарихида биринчи бор ижтимоий йўналишдаги бозор иқтисоди тамойилларига асосланган ҳуқуқий демократик давлат — фуқаролик жамиятининг тамал тоши қўйилди;

— озод мамлакатнинг буюк келажаги сари йўл очилди. Халқимиз бу йўлдан ишонч билан дадил одимлаб бормоқда.

Халқимиз мушарраф бўлган бахт-саодатнинг барча қиррасини ўзида олмос каби жамлаган ушбу тушунчалар, математиклар тили билан айтганда, **истиқлолнинг ўзига хос формуласидир**. Бу формуланинг бирор сатри тушиб қолса ёки жумласи ўзгарса, мустақиллик кемтик, мамлакат заиф, халқнинг умиди яримта, жамият эса пароканда бўлиб қолиши ҳеч гап эмас.

2-бет >

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2008 йил 23 сентябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*

1 Австралия доллари	1103,75
1 Англия фунт стерлинги	2436,22
1 Дания кронаси	258,68
1 БАА дирхами	361,61
1 АҚШ доллари	1328,22
1 Миср фунти	243,15
1 Исландия кронаси	14,66
1 Канада доллари	1268,47
1 Хитой юани	194,63
1 Малайзия рингтити	389,05
1 Польша злотийси	587,66
1 СДР	2056,97
1 Туркия лираси	1062,15
1 Швейцария франки	1207,91
1 ЕВРО	1928,84
10 Жанубий Корея вони	11,64
10 Япония иенаси	124,67
1 Россия рубли	52,12
1 Украина гривнаси	273,80

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасидаги икки томонлама сиёсий маслаҳатлашувлар бўлиб ўтди. Учрашувлар ташқи ишлар вазири ўринбосарлари даражасида ўтказилди. Жанубий Корея делегациясига ушбу мамлакат ташқи ишлар ва савдо вазири ўринбосари Ли Ёнг-жун раҳбарлик қилди.

Музокаралар чоғида сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар соҳалардаги ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Ли Ёнг-жун музокаралар якунлари хусусида тўхталиб, Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги алоқалар узоқ тарихга эга эканини таъкидлади. Айни пайтда мамлакатлар тенг ҳуқуқли ва манфаатли ҳамкорлик асосидаги ўзаро муносабатларни янада ривожлантиришга катта қизиқиш билдирмоқда. Сиёсий масалалар борасида томонларнинг нуқтаи назарлари яқдил экани халқаро майдондаги ҳамкорликни ривожлантириш учун яхши пойдевор бўлиб хизмат қилаяпти.

«Мамлакатларимиз ўртасидаги дипломатия муносабатлари ўрнатилган 1992 йилдан буён давлатларимиз раҳбарлари 8 маротаба учрашган, — деди Жанубий Корея делегацияси раҳбари. — Биргина жорий йилда икки бор олий даражадаги учрашув ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шу йил 24-26 февраль кунлари янги сайланган Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бакнинг ўз лавозимига расман киришишига бағишланган маросимда иштирок этиш учун Сеулга ташриф буюриб, бир қатор музокаралар ўтказди. Пекиндаги XXIX ёзги Олимпиада ўйинларининг очилиш маросимида қатнашган ҳар икки давлат раҳбарлари жорий йилнинг 9 август куни яна бир маротаба учрашди. Суҳбат чоғида томонлар ҳамкорлик кўламини янада кенгайтиришдан бирдек манфаатдор эканликларини таъкидлашди».

Корея Республикаси — Ўзбекистоннинг Жануби-Шарқий Осиёдаги йирик савдо-иқтисодий шериги-дир. 2007 йилда мамлакатларимиз ўртасидаги савдо айланмаси ҳажми 850 миллион АҚШ долларига етди. Ўзбекистонда жанубий кореялик сармоядорлар иштирокида тузилган 313 та қўшма корхона мавжуд бўлиб, улар машинасозлик, савдо, озиқ-овқат, енгил саноат, метални қайта ишлаш, соғлиқни сақлаш, сайёҳлик, хизмат кўрсатиш соҳаларида фаолият юритмоқда.

2-бет >

«ДАМАС» ТЎХТАТИЛГАНДА...

2

АНДИЖОН ЁШЛАРИ

3

улуғ аждодларига муносиб бўлишга интилмоқдалар

4

ҚАДИМИЙ БОЗОРНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҚИЁФАСИ

КУЗАКДА НОК ГУЛЛАДИ

INTER-PRESS АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ
ОБУНА КИТОБЛАР, ГАЗЕТАЛАР, ЖУРНАЛЛАР
119-0000, 119-8383, 155-0955
Тошкент ш., Навоий кўч., 13, e-mail: book@interpress.uz www.interpress.uz

O'zbekiston havo yo'llari TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

МИЛЛАТ МАЪНАВИЯТИ – БЕБАҲО БОЙЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Бугунги суҳбат ва мунозараларни тинглаб, маънавиятимиз, тилимиз, динимизга бўлган турли таҳдидларга бефарқ бўлмаслик лозим эканини яна бир бор чуқур ҳис этдик, — дейди Республика рассомчилик коллежи талабаси Азиз Қосимов. — Ёт ва бузғунчи кучлар таъсиридан ўзимизни асрашимиз ва уларга қарши курашишимизда бундай учрашувларнинг хизмати беқиёс бўлади. Мен яқинда «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарини ўқиб, она Ватанимизга, қимматли тарихимизга ва улуғ боболаримизга ҳурмат-эҳтиром туйғусини чуқур ҳис этдим...

Учрашувда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шарбат Абдуллаева иштирок этди ва сўзга чиқди.

Гулгун СУЛТОНОВА

ЎзХДП: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

Ўзбекистон ХДП Сирдарё вилоят кенгаши фаоллари томонидан Сардоба туман партия кенгашининг сиёсий ва фуқаролик маърифати тизими янги ўқув йили машғулотларига таёргарлиги, ўқувларни бошланғич ташкилотларда мазмунли ўтказиш, савиясини ошириш ва иштирокчилар доирасини кенгайтириш ҳамда тажриба алмашиш мақсадида ушбу туман кенгаши, қатор БПТда мониторинг ўтказилди. Мониторинг давомида, шунингдек, туман партия кенгашининг ёшлар ижтимоий манфаатларини ҳимоялаш борасидаги фаолияти, сиёсий ва фуқаролик маърифати машғулотларида уларнинг иштироки таҳлил этилиб, натижалар асосида тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Гулистон шаҳар партия кенгаши йирик бошланғич ташкилотлар негизида «Меҳнатга қобилиятли аҳолининг бандлиги ва бу масаланинг жойларда ҳал этилиши» мавзуида давра суҳбати ташкил этди. Тадбирда Жамоатчилик қабулхоналарига бўлаётган мурожаатлар асосида ҳудуддаги ишлаб чиқариш корхоналарида бўш иш ўринлари мониторингини юритиш, аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш, бу жараёнларда ҲДПдан сайланган маҳаллий Кенгашлар депутатларининг иштироки муҳокама этилди. Жумладан, депутат сўровларини ўтказиш, депутатлик гуруҳлари орқали бу масалага тегишли муассасалар эътиборини қаратиш лозимлиги таъкидлаб ўтилди. Бу йўналишда партия кенгаши ва депутатлик гуруҳи олдидаги вазифалар белгилаб олинди.

Ўзбекистон ХДП Китоб, Косон туман кенгашлари томонидан пахта йиғим-теримида иштирок этаётган ҳашарчиларнинг дам олиш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида учрашув ва мулоқотлар, маданий тадбирлар ташкил этилмоқда. Маданий-маърифий кечаларда Ёшлар йили ва унинг моҳияти, ёшларнинг жамият тараққиётига қўшаётган ҳиссаси ҳамда фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнида улар учун яратилган шароитлар борасида фикр алмашилди. Шунингдек, иштирокчиларга ЎзХДП дастурий мақсадлари ҳақида тушунчалар берилаяпти. Ўтказилган тадбирларда ҳомийлар ҳамда партиядан сайланган депутатлар кўмагида ҳашарчиларга эсдалик совғалари топширилди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида Жанубий Корея компанияларининг 73 та ваколатхонаси аккредитациядан ўтган.

Жорий йил май ойида «UzKorGasChemical» қўшма корхонасининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Мазкур қўшма корхона Устюрт платосидаги Сургил конида геология-қидирув ишларини олиб бориш, конларни ўзлаштириш, полиэтилен ва полипропилен ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиб, 2006 йил мартида Президент Ислом Каримовнинг Корея Республикасига буюрган давлат ташрифи чоғида Кореянинг «Когаз» корпорацияси билан «Ўзбекнефтегаз» миллий холдинг компанияси ўртасида имзоланган ўзаро англашув меморандумига мувофиқ ташкил этилган. Лойиҳанинг умумий қиймати 1,84 миллиард АҚШ долларига тенг.

Маданий-гуманитар ҳамкорликни ривожлантиришда «Ўзбекистон — Корея Республикаси» дўстлик жамияти ва Корея таълим маркази муҳим аҳамият касб этмоқда. Икки мамлакат илмий доиралари, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари ўртасидаги алоқалар изчил ривожланиб бормоқда.

Корея Республикаси ташқи ишлар ва савдо вазири ўринбосари Ли Ёнг-жуннинг сўзларига кўра, корейслар ўзбек халқининг бой тарихи, маданияти ва анъаналарига катта ҳурмат ва қизиқиш билан муносабатда бўлмоқда.

«Юртингизга сафарим чоғида Самарқандда бўлиш, Амир Темур ҳамда Темурийлар даврида бунёд этилган тарихий ва меъморий ёдгорликлар билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлганимдан мамнунман, — дейди кореялик мартабали дипломат. — Сафар чоғида Самарқанд кўнглимга шу қадар яқин ва таниш-дек кўриндики, мен бу бетакрор диёрда ўзимни илгари ҳам бўлгандек ҳис этдим.

Менимча, кореяликлар Буюк ипак йўлида жойлашган афсонавий тарихий шаҳарлар билан яқинроқ танишиш учун Ўзбекистонга тез-тез сафар қилиб туришлари лозим. Навоий шаҳри аэропортида халқаро логистика марказининг очилиши ҳамда Тошкент билан Сеул ўртасида «Korean Air» авиакомпанияси мунтазам ҳаво қатновини йўлга қўйгани Ўзбекистонга сафар қилувчи мамлакатимиз фуқаролари сонини кўпайишига имкон бериши, шубҳасиз.

Ўзбекистонга ташрифимдан сўнг ўзбек ва корейс халқлари тарихи ва маданияти жуда яқин эканини яна бир бор ҳис этдим. Биз бир-биримизга жўғрофий жиҳатдан олисда жойлашган мамлакатлар вакиллари сифатида эмас, балки маънавияти ва дунёқараши жуда яқин бўлган инсонлар сифатида қарамоғимиз лозим.

Фурсатдан фойдаланиб, Жанубий Корея ҳукумати Ўзбекистон Республикаси билан дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини ҳар томонлама ривожлантиришга содиқлигини яна бир бор таъкидлашни истайман, дўст Ўзбекистон халқига эса янада жадал тараққиёт ва равнақ тилайман».

Жамшид МУТАЛОВ,
«Жаҳон» АА.

Нигоҳ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бир қаращда мамлакат, халқ ва миллатнинг эрки ва ҳақ-ҳуқуқи ифодаланган юқоридаги қонуний ваколатлардан Ўзбекистон билан олдинмакетин мустақилликка эришган барча собиқ шўро республикалари ва уларнинг фуқаролари теппа-тенг бахраманд бўлаётгандек, яъни, улуғ шоиримиз Огаҳий бир ғазалида: «Ки, меҳр нури тенг тушар вайрону обод устина», деганларидек, ҳуррият ёғдулари бу эллар тақдирини ҳам бирдек бахт-саодат, эркинлик, фаровонлик билан нурафшон этаётгандек туюлади.

Бироқ, чор атрофимизга, яқин ва узоқ қўшнилар ҳаётига назар солсак, истиқлолнинг ўзи ҳали мукаммал бахт эмас, балки, бахтнинг пойдевори эканини, уни эъзозлаган, қадрига етган, унга муносиб яшаган халқгина бу улуғ ва азиз неъматнинг лаззатидан тўлиқ бахраманд бўлиши мумкинлиги аён бўлади.

Аксинча, оммавий озодлик ортидан келадиган бошбошдоқлик, мансабпарастлик, гуруҳбозлик, очкўзлик ва бойлик ҳирси, шафқатсизлик ва муросасизлик оқибатида тарихий ва миллий қадриятлар топталиб, таҳқирланиб кетаркан. Турмуш даражасига кўра, турли ижтимоий табақаларга бўлинган аҳоли сиёсий найрангбозлар, минг хил ғирром йўллар билан ўз халқини ва юртини талаб, бойлик орттирган турфа қиёфадаги қаллоблар жамиятдаги «муҳтарам» кишиларга, бир умр меҳнатдан боши чиқмаган ҳалол фуқародан тортиб, илм-фан фидойилари, ноёб истеъдодлар эса ношуд ва нотовонларга айлангач, мамлакат шаклан мустақил бўлса-да, аслида пароканда-лик, иқтисодий ва маънавий инқирозлар гирдобига тушиб қолар экан.

Бу ҳусусда аниқ бир мисол келтиришнинг ҳожати йўқ. Чор атрофимиздаги айрим давлатларнинг, халқларнинг тақдири, бугунги кунда бошидан кечираётган уқубатларга таққослаганда ўзбек халқи истиқлол берган имкониятнинг ҳар бир куни, ҳар бир дақиқасидан самарали фойдаланиб, озод мамлакатини янада обод, турмушини фаровон, истиқбол йўлларини равон қилишга сарфлаётган, ўз ҳаётини тубдан янгилаётган, асрий орзуларнинг рўёбини амалда кўраётган қадди тик, ғурури баланд, орзулари юксак жамоадир, десак, асло муболаға бўлмайди. Ҳаётнинг барча соҳаларида эришаётган ютуқларимизни, ўзбек халқининг ўз вақтида энг тўғри йўлни танлагани ва шу йўлдан оғишмай бораётганини дунё эътироф этиб турибди.

●●●

Дарҳақиқат, халқимиз мустақилликни узоқ кутилган бебаҳо бахт деб билиб, бутун қалби билан унга пешвоз чиққани, ўтиш даврининг турли шаклдаги қийинчилик ва машаққатларига бардош бергани, уларни сабр-тоқат ва чидам, фидокорона меҳнат билан енгиб ўтгани, ташқи ва ички ғаламисларнинг иғволарига учмасдан, ҳамжиҳатлик, бағрикенглик билан мамлакатимиз иқтисодиётини ўнглаш, ўз турмуш даражасини оширишга интилгани туфайли тарихан қисқа муддат — биринчи ўн йилликдаёқ сифат ўзгаришларига эришилди.

Бунинг бош омилини битта гап билан: **истиқлолга садоқат, Ватанга муҳаббат, миллий ҳамжиҳатлик, ўзаро ишонч, бағрикенглик, келажакка ишонч,** деб таъкидлаш ҳам мумкин. Аммо, бу жавоб мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётининг барча соҳаларида юз берган туб ўзгаришларнинг, юксалишларининг барча қирраларини тўлиқ ифода эта олмайди...

Тараққиётимиз йўлларига назар ташлаб, илк қадамларданоқ халқимизнинг ҳамроҳига айланган, миллий тараққиётимизнинг асосий йўли ва йўналишини белгилаб берган, «ўзбек модели» номи билан шуҳрат қозонган **бешта тамойилни** ҳамда давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олган ислоҳотларнинг **етти йўналишини** истиқлолимиз ва истиқболимизнинг ўн икки юлдузи — нурли маёқлари деб атасак, заррача муболаға бўлмайди.

●●●

Мана шу ўринда беш тамойил ва етти йўналишнинг моҳияти ҳамда берган самарасига батафсилроқ тўхталиш эҳтиёжи сезилади.

«Ўзбек модели» шаклан ихчам бўлишига қарамасдан, моҳиятан шу даражада мукаммалки, агар бешта тамойилдан бирортаси тушириб қолдирилса ёки эътиборга олинмаса, жамиятимиз ҳаёти кемтик бўлиб қолиши баробарида бошқа йўлга бурилиб кетиши ҳам эҳтимолдан холи эмас ва бу кутилмаган кўнгилсизликлар ва фожиаларга олиб келиши мумкин эди.

Ҳозирги ёшларнинг айримлари **«иқтисоднинг сиёсатдан устуворлиги»** деган тамойилни қийинчилик билан тушунади, ҳатто ўзларининг ҳаёти, кўрганлари, турмуш тарзидан келиб чиқиб «Иқтисодга сиёсатнинг умуман нима алоқаси бор?!» деб сўрайдилар. Бу — уларнинг айби эмас, балки, бахтидир. Чунки, улар шўролар тузуми пайтида ҳукмронлик қилган якка партиявийлик шароитида ўн саккиз миллион аъзони — оддий ишчидан олий даражадаги раҳбаргача, ҳаммасини ўзининг сафига ихтиёрий-мажбурий тарзда жамлаган коммунистик партия эртаклардаги дев мисоли улкан ҳудуда ўз ҳукмронлигини ўрнатганини, улкан давлат ва қудратли ҳокимиятни, бутун жамиятни қўғирчоққа, илм-фаннинг барча тармоқларини, адабиёт, маданият, санъатнинг ҳамма воситаларини мафкуравий қуролига айлантириб, ҳар бир фуқаронинг босган қадамини назоратга олиб, эркин овоз чиқаришига қўймаганини, ўзи айтган йўлдан юргизганини, чизган чизиқдан чиқармаганини ва бунинг аянчли оқибатларини кўз олдига келтира олмайдилар.

Ана энди тасаввур қилайлик, агар мустақилликнинг илк йилларида мамлакат ҳаётида сиёсатни иқтисоддан устувор қўйиб, расман рўйхатдан ўтган партиялардан ташқари, ўша пайтда ўзларининг гап-гаштагини, сархуш улфатлар даврасини ҳам партия сифатида тақдим этишга уринган гуруҳларга эрк берилса-да, оқибати нима бўлишини хаёлга келтириш ўзи ҳам қўнгилга ваҳима солади.

Шунинг учун ҳам Юртбошимиз раҳбарлигида истиқлолнинг биринчи куниданоқ алоҳида сиёсий гуруҳлар ва тўдаларнинг эмас, халқнинг хоҳиш-иродасини ҳамма нарсадан устувор қўйиб, мамлакат равнақи учун фойда берадиган барча фуқароларнинг эркин фаолият кўрсатишларига шароит яратиб беришнинг қонуний асослари яратилди.

●●●

Бугун очиқ айтиш мумкинки, ўша пайтларда бозор иқтисодиётининг алиффосини эндигина ҳижжалаб ўқишга тутинган халқимизнинг аксарияти **«Давлат — бош ислоҳотчи»** деган тамойил замиридаги мазмун-моҳиятни тўлиқ англашга ҳали ожизлик қиларди.

Бунинг устига ҳуқуқий демократик жамиятда давлатнинг ислоҳотларга раҳнамолиги мантиқан тўғри келармикин, ислоҳот баҳонасида янгидан қарор топаётган давлат ҳокимияти яна халқни ўзи чизган чизиғидан юргизиш йўлини тутмаяптимикин, деган шубҳалар ҳам йўқ эмасди.

Сал кейинроқ кўриндики, агар давлат бош ислоҳотчиликни ўз зиммасига олмаса, бир қадам ҳам олға силжиш мумкин эмас экан. Чунки, биринчидан, мамлакатдаги ер-сув, мол-мулк, турар жойларнинг катта қисми, иқтисодиётнинг барча тармоқлари, энг кичик маиший хизмат кўрсатиш шохобчасидан тортиб, улкан саноат корхоналаригача, ҳаммаси давлатнинг ихтиёрида эди. Эгаси бермайдиган нарсани тортиб олиш эса ҳеч кимнинг қўлидан келмасди.

Шу нуқтаи назардан ҳам хусусийлаштириш сиёсатини амалга ошириш ташаббуси, аввало, давлатдан чиқиши тақозо этиларди ва шундай бўлди ҳам. Дастлабки йилларда хизмат кўрсатиш, савдо тармоқлари талабгор фуқароларнинг шахсий мулкига айлантирилган бўлса, аста-секин йирик саноат, транспорт, қурилиш ташкилот ва корхоналари давлат тасарруфидан чиқарилиб, акциядорлик жамиятларига айлантирилди. Қишлоқ хўжалик соҳасида эса, давлат хўжаликларини ширкат хўжаликларига айлантириш кутилган самарани бермагандан сўнг, ерларни деҳқон ва фермер хўжаликларига узоқ муддатга ижарага бериш сиёсати амалга оширилди.

Албатта, ислоҳотлар жараёни осонлик билан кечгани йўқ. Давлат ҳокимияти ҳар бир соҳада ўтказилаётган ислоҳотларнинг қонуний ва ҳуқуқий асосларини яратиб борди. Чунки, мулкчиликнинг турли шаклларини ҳаётга татбиқ этишни ўзбоқайси лавозимни эгаллашидан қатъи назар, жавоб беражаги, барча босқичдаги раҳбар ва ходимлардан ўз вазифасига масъулият билан ёндашишга мажбур этди.

Қолаверса, биз ҳуқуқий демократик давлат қуришни бош мақсад қилиб белгиладик. Бунга қонун устуворлигисиз эришиб бўлмайди.

«Кучли ижтимоий ҳимоя сиёсати» туфайли эса ўзаро меҳр-оқибат, катталарга ҳурмат, кичикларга ғамхўрлик, ночорларга мурувват кўрсатиш сингари халқимизнинг қонида минг йиллар оша яшаб келаётган эзгу фазилатлар мустақилликнинг илк кунларида — иқтисодий қийинчиликлар энг авжига чиққан пайтларда элнинг жонига оро кирди. Аҳолининг кам таъминланган табақаларини ижтимоий ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилган кучли сиёсат пенсионерлар, якка-ёлғиз қариялар, ногиронлар, кўп болали ва кам даромадли оилаларга моддий мадад бўлди, руҳини кўтарди. Отахон ва онахонларнинг энди оёққа тураётган давлат ва жамиятга ихлосини оширди, ёшларнинг эса келажакка ишончини мустаҳкамлади.

Қариялар жамиятимизнинг эъзозли аъзоси, ёшлар эса келажагимиз тимсоли сифатида қадрли эканлигини ҳис этиб яшашларига эришилди.

●●●

Узоқ йиллар давомида режали иқтисодиёт қолипида юритилган хўжалик тизимини бирдан бузиб ташлаш ва янги тизимга ўтиш жуда мураккаб жараён эди. Бунда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш, эркин меҳнатга йўл бериш билангина иш битмасди. Бунинг учун ҳам биринчи навбатда ҳаммани бирданига мулкдор қилиш эмас, аввало халқ онгида мулкка эгалик ва уни бошқариш кўникмаларини қарор топтириш вазифаси турарди.

Шунинг учун ҳам **«ислоҳотларнинг босқичма-босқичлиги»** устувор тамойиллардан бири сифатида белгиланди. Биринчи навбатда хизмат кўрсатиш тармоқлари, савдо шохобчаларини хусусийлаштириб олган, ўзининг шахсий бизнесини ривожлантиришни йўлга қўйган кишиларнинг фаолияти, эришган ютуқлари, муваффақият ва муваффақиятсизликлари ўзига хос бошланғич тадбиркорлик мактаби ролини ўтади. Олинган сабоқ-хулосалар асосида кичик ва ўрта бизнеси, акциядорлик жамиятларини юксалтиришнинг пишиқ ва пухта асослари яратилди.

Бугунга келиб халқимизнинг тафаккур тарзи ҳам, иқтисодий ва ҳуқуқий билим даражаси ҳам ўзгарди, ўсди, замонга мослашди. Натижада мулкдорлар синфи, хусусий тармоқ мамлакат иқтисодиётининг барча соҳаларида мустаҳкам таянч бўлиб қолди.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг бешта тамойили жуда узоққа борадиган истиқбол йўлининг асосий йўналишлари эди. Энди бу тамойилларни амалга оширишнинг моддий ва маънавий асосини яратиш талаб қилинарди, дастлабки йилларда орттирилган тажрибалар буни ҳам белгилаб берди.

Бахтиёр РИЗО

(Давоми бор)

ЎН ИККИ ЮЛДУЗ ШУЪЛАСИ ОСТИДА

ЁРҚИШЛОҚ БОҒЛАРИ БОЛГА ТЎЛДИ

Ёрқишлоқда Сиддиқали оқсоқолнинг ташаббуси билан дастлаб 30 гектарлик боғ яратилганини кўпчилик яхши эслайди. Бу эзгу иш йилдан-йилга ривож топди. Кейинроқ Қорабой ва Эрназар боғбонлар ҳам мевазорлар жонкуяри бўлишди. Абдуллажон ота, Нишонбой ота, Қаҳҳор оталар эса қишлоқ ёшларида узумчиликка ихлос уйғотганлардан. Кексалар бошлаган ибратли ишлар самараси таъсири — ҳозир Ёрқишлоқда ким фарзандли бўлса, 10 тупдан узум кўчати экиш анъана бўлиб қолди. Хонадонлару кўчалар бўйидаги токлар ҳам ҳисобга олинадиган бўлса, бугун қишлоқда узумзор майдонлар 150 гектарга етди.

Шу қишлоқлик таниқли миришкор, ЎзХДП фаоли Абдумутал Маҳмудов билан хонадонларда бўлдик.

— Эргашбой Исмоилов, — таништирди у рўпарамиздаги ҳовли дарвозаси ёнида турган мўйсафидни. — Илгари механизаторликни қойиллатган инсон. Узумчиликда ҳам миришкор. Хонадонининг 14 сотихли узумзори бор. Ҳосили баракасидан ўғилларига уй қуриб, тўй қилаяпти. Даромадларини яхшиликларга сарфлаяпти...

Кўшниси Низомиддин Эрматов, — давом этди Абдумутал ака. — Турмуш ўртоғи Соҳибахон билан 10 сотиҳда узум ўстириб, ҳар йили мўл ҳосил олмоқда. Ўтган йили ўзларидан орттириб, 1 миллион сўмлик узум сотди. Шу кунларда ўғли Нуриддинни уйлантиришга тайёргарлик кўрмоқда. Келин ҳам шу қишлоқдан...

Ёки Хушвақт ака Бўлишевни олинг. Ўқитувчиликдан пенсияга чиқди. Қишин-ёзин хонадонидаги 100 тупдан ортиқ узум парвариши билан машғул. Унинг қандай ишлаганини сўри токлари эгилгудек узумлардан ҳам кўрсангиз бўлади.

Ёрқишлоқликларнинг меҳнаткашлигию тадбиркорлиги Жалақудуқ туманидагина эмас, бутун Андижон вилоятида тилга тушган. Мавриди келиб бу ерга йўлингиз тушса, ҳалол меҳнат туфайли бол тўла боғлар ҳосилидан баҳраманд бўласиз.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Суратларда: *боғбон Эргашбой Исмоилов ва ҳонадон соҳибаси Майрамхон ая Маҳмудова набираси билан.*

А.ТОШМАТОВ олган суратлар

✓ Қинғир иш — келтирар ташвиш

«ДАМАС» ТЎХТАТИЛГАНДА...

Маълумки, хориждан ҳужжатсиз бирон-бир маҳсулот олиб келиш ва сотиш ноқонуний саналади ва бундай фаолият билан шуғулланганлар амалдаги қонунларга биноан жазоланади. Шайхонтоҳур тумани «Тор» кўчасида ҳаракатланаётган А.Низомов бошқарувидаги «Дамас» автомашинаси тўхтатилиб, кўздан кечирилганда хорижда ишлаб чиқарилган 8 турдаги 661.900 сўмлик ҳужжатсиз дорилар олиб кетилаётгани аниқланди. Ҳайдовчи ушбу дори воситаларини фуқаро А.Аъзамовдан нақд пулга сотиб олганлигини айтгач, белгиланган манзилга борилди. А.Аъзамов ҳақиқатдан ҳам дори воситаларини А.Низомовга сотганлигини тан олди. Маълум бўлишича, бу дори воситалари Қозоғистон Республикасидан яширинча мамлакатимиз ҳудудига олиб келинган экан. Сўрабсуриштиришлардан сўнг А.Аъзамовдан юртимизга ноқонуний олиб келинган 6.614.000 сўмлик дори воситалари олиб қўйилиб, айбдор қонун олдида жавоб берадиган бўлди.

Мамлакатимизда хориж валютасини сотиш ва харид қилиш бўйича ҳам махсус тартиблар белгиланган. Лекин, Собир Раҳимов туманида яшовчи Фарҳод Алимов хориж валютасини олишда ўзгача йўл тутган. Ҳамза туманида яшовчи Анжелика Касбаулиева 8000 сўм «мукофот» эвазига ўзининг паспорти билан Фарҳод Алимовга 5000 АҚШ доллари сотиб олиб берган. Валюта айирбошлаш шохобчасидан сотиб олинган 5000 АҚШ доллари ва 8000 сўм пул «мукофоти» тегишли тартибда расмийлаштирилиб, олиб қўйилди.

Худди шундай ҳолат яна бир рейд текширув жараёнида ҳам аниқланди. Чилонзор туманида яшовчи Виталий Васильев «тирикчилик-да», дея 10.000 сўм эвазига Виктор Беззубцевга 5000 АҚШ долларини сотиб олиб берган. Энди «мукофотсиз» қолган Виталий Васильев ҳам, унинг шериги ҳам афсус чекишмоқда.

Саидабзал РАСУЛОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаменти Тошкент шаҳар бошқармаси масъул ходими.
Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

✓ Таълим-тарбия масканларида

Андижон давлат университети ҳудудига қадам қўйишингиз билан бутун жамоа бугунги кун ҳавосидан нафас олаётгани, эл-юрт бахти, саодати учун ёш авлод келажаги йўлида фидойилик билан меҳнат қилаётганини дилдан ҳис этасиз. Билим даргоҳи хиёбонлари, майдонлари ва боғлари ям-яшил дарахтларга бурканган, гулзорларда анвойи гуллар. Андижонликларга хос бағрикенглик, нозик дид ва меҳнатсеварликни ҳар қадамда ҳис этасиз. Қолаверса, университет буюк бобокалонимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур номи билан аталади. Шунинг ўзиёқ олий даргоҳ жамоаси зиммасига улкан масъулият юклайди ҳам.

АНДИЖОН ЁШЛАРИ

улуғ аждодларига муносиб бўлишга интилмоқдалар



Толибжон Мадумаров, университет ректори, профессор:

— «Мамлакат бойлиги фақат табиий ресурслари асосида тикланмайди. Энг асосий ресурс инсондир. Фақатгина давлат ўз фуқаролари истеъдодларининг гуллаб-яшнаши учун асос яратса бўлгани,» — деган экан бир файласуф. Шу нуқтаи назардан университетимиздаги ўқув-тарбиявий жараёнлар ва илмий муҳит ўқитувчилар ҳамда талабалар истеъдодини, қобилиятини юзага чиқаришга, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Жамоамиз сон жиҳатидан катта нуфузга эга. 7 та факультетнинг кундузги бўлимида 5000 дан ортиқ, махсус сиртқи бўлимларда 3000 дан зиёд талаба таҳсил олади, уларга 500 га яқин профессор-ўқитувчилар илм сирларидан сабоқ беради. Ўқитувчи-устозларнинг 27 таси фан доктори, профессор, 130 дан ортиғи фан номзоди ва доцентлардир. 28 та кафедра, 22 та ўқув ва илмий лабораториялар талабалар хизматида. 4 та йўналишда аспирантура, 3 та йўналишда докторантура фаолият кўрсатмоқда...

Ҳа, бугунги кунда Андижон давлат университети ўзининг мустаҳкам моддий-техник базасига, 3 та ўқув биносига ва яхши спорт мажмуасига эга. Барча замонавий талаблар асосида жиҳозланган техник воситалар хоналари, 9 та компьютер синфлари мавжуд. Талабаларнинг мустақил равишда ўз билимларини ошириши ва шуғулланишлари учун ҳар томонлама қулай АРМ — ахборот-ресурс маркази ва унинг иккита электрон ўқув зали ишлаб турибди. АРМнинг умумий фонди ўзбек, рус, инглиз, немис, араб, форс ва бошқа тилларидаги 300000 нусха китобни ташкил қилади. Китобхонларга хизмат кўрсатиш компьютер технологияси ёрдамида бажарилади. Шунингдек, бу ерда талабалар соғлигини мустаҳкамловчи 40 ўринли сиҳатгоҳ, «Педагог» спорт соғломлаштириш ва дам олиш оромгоҳи ҳам ишлаб турибди. Ётоқхонага муҳтож бўлган талабаларга 800 ўринли ётоқ жой хизмат қилади.

— Сўнгги уч йил ичида университетимиз олимлари томонидан 74 та монография, дарслик ва ўқув қўлланмалари чоп қилинди, —давом этди Толибжон Абдумаликович, — юзлаб мақола матбуотда эълон қилинди. Улардан 52 таси хорижий журналлар ва тўпламларда эълон қилинди. 14 та илмий-амалмий анжуман уюштирилди. 7 нафар талабамиз Навоий номидаги, 5 нафари Улуғбек номидаги Давлат стипендияларини олишга мушарраф бўлди. 21 нафар талабамиз «Келажак овози» жамғармаси танловлари ғолиби. Ўнлаб ёшларимиз 2008 йилги фан олимпиадаларининг Республика босқичида иштирок этиб, 2 та биринчи, 4 та иккинчи, 3 та учинчи ўринни эгаллаб қайтишди.

Университет талабаларидан ташкил топган «A-Z» жамоаси «Заковат» интеллектуал телевизион ўйинининг Республика танловида ғолиб чиққан бўлса, «Қувноқлар ва зукколар» баҳсида водий олий таълим муассасалари ўртасида 1-ўринга муяссар бўлдилар.

— Яратилаётган илмий ишлар, изланишлар ва тадқиқотлар ҳақида ҳам гапирсангиз...

— Университетимизда профессор А.Дариев ва О.Ҳошимов раҳбарлигида «Ўсимликлар дунёсининг эволюцияси, экологияси, географияси» муаммолари билан боғлиқ анатомик ва морфологик тадқиқотлар мавзуида ўндан ортиқ монография, 300 дан ортиқ илмий мақола, ўндан ортиқ илмий-услубий қўлланма яратилди. 2 та докторлик, 10 та номзодлик диссертацияси ҳимоя қилинди.

Профессор И.Асқаров ва кимё фанлари доктори И.Абдуғофуров раҳбарлигида «Физиологик фаол бирикмалар синтези ва уларнинг биологик фаоллигини текшириш», «Товарларнинг кимёвий таркиби асосида таснифлаш ва сертификатлаш», «Кимё ўқитиш методикаси ва уни такомиллаштириш муаммолари» мавзуларида йирик илмий ишлар олиб борилмоқда. Ҳозиргача ана шу йўналишлар бўйича 2 та монография, 7 та дарслик, 50 дан ортиқ ўқув-услубий қўлланма, 100 дан ортиқ илмий мақолалар ёзилди. Республика ўрта умумтаълим мактабларида профессор И.Асқаров ва доцент Н.Тўхтабоевлар раҳбарлигида 7-8-9-синф ўқувчилари учун ёзилган «Кимё дарслиги», профессор А.Нурмонов, А.Собиров, Ш.Юсупова, Д.Набиева, В.Қодиров, З.Жўрабоева, Ҳ.Солиховалар яратган 5-6-7-9 синфлар учун она тили дарслиги ҳамда «Ўқитувчилар китоби»дан кенг фойдаланилмоқда.

Университет профессори И.Асқаров

Бундай мисолларни университетимизнинг физик олимлари — профессорлар С.Зайнобиддинов, А.Тешабоев, И.Каримов, Р.Алиев, филологлардан Д.Қуронов, С.Мирзаев, математиклардан Ғ.Мўминов, А.Муллажонов, Ф.Арзиқулов, А.Запаров, тарихчилардан профессорлар — Р.Шамсуддинов, И.Алимов, З.Қуттибоев, файласуф профессорлар Т.Ортиқов, К.Юнусов ва бошқалар олиб бораётган илмий-амалий фаолиятлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

— Университетда спорт ишлари ва маданий тадбирлар қай даражада ташкил этилган? Адашмасам, Мавлон Қаҳҳоров деган талаба йигит шу йил Таиландда ўтган халқаро мусобақада тўртинчи марта шоҳсупага кўтарилди...

— 2008 йил университетимиз талабалари учун спорт соҳаси омадли келди. Йилнинг биринчи ярмида улар қатор халқаро ва республика мусобақаларида ғолиб чиқишди. Айниқса, Мавлон Қаҳҳоров спортнинг муай-тай тури бўйича Таиландда ўтказилган халқаро мусобақада тўртинчи бор шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Олмаота шаҳрида самбо бўйича ўтказилган Осиё чемпионатида Гўзал Каримова ва Муқаддам Каримшақова чемпионликни қўлга киритишди. Отабек Каримов таэквандо бўйича Осиё чемпиони бўлди. Худди шундай шарафга Нафиса Ортиқова атлетика бўйича эришди. Темур Шириева стол тенниси бўйича мамлакат чемпионатида тенг келадигани топилмади. Футбол жамоамиз ўтган йилги турнирда ғолиб чиқиб, ҳозир 2-лигада тўп сурмоқда.

Буларгина эмас, университетимизда талабалар учун 15 та спорт-соғломлаштириш тўгараклари ташкил этилган. Уларда бир ярим минг нафарга яқин ёшлар дарсдан бўш вақтларида шуғулланмоқдалар.

Маданий тадбирларни ҳам изчил йўлга қўйганмиз. Баҳорда ўтган «Навозанда» танловида истеъдодли талабамиз — Роҳила Маърипова барчанинг олқишини олди. Қарши шаҳрида бўлиб ўтган «Барҳаёт анъаналар» фольклор танловида университетнинг «Ҳумо» дастаси фахрли 3-ўринни эгаллади. «Дуторчи қизлар», «Моҳир қўллар», «Доирачилар ансамбли», «Рангтасвир», «Билимлар салтанати» каби ўнлаб ижодий тўгараклар фаолиятидан ҳам кўплаб ибратли мисолларни келтириш мумкин.

Касбий таълим факультети 2-курс талабаси Гулмира Абдулахатова эса яқинда анъанавий қўшиқ ижрочилиги йўналиши бўйича «Ниҳол — 2008» мукофотига сазовор бўлди.

Бу илм даргоҳида ким билан суҳбатлашманг, хоҳ устоз, хоҳ талаба бўлсин, катта орзу ниятлар билан яшаётгани, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Чўлпон сингари улуғ аждодларига муносиб бўлишга интилаётганларига ишонч ҳосил қиласиз.

Зулхумор ЎРОЛОВА

Университетнинг совриндор спортчи талабалари

ОЛМЕРТ ИСТЕЪФО БЕРДИ

Исроил бош вазири Эхуд Олмерт президент Шимон Пересга истеъфога чиқиши ҳақида ариза берди, деб хабар қилади ИТАР-ТАСС. Улар ўртасида бўлиб ўтадиган мулоқотда бош вазирлик ваколатларини топшириш масаласи ҳал этилгач, Шимон Перес парламентдаги етакчи фракциялар делегациялари билан учрашиб, янги ҳукуматни шакллантириш вазифасини кимга топшириш масаласини ҳал қилади.

Ташқи ишлар вазири Ципи Ливни бош вазир лавозимига асосий номзод сифатида қаралмоқда. Ўтган чоршанба куни у амалдаги етакчи партия — «Кадима»нинг раҳбари этиб сайланган.

ЯНГИ БОШ ВАЗИР САЙЛАНАДИ



Японияда етакчи сиёсий куч — Либерал-демократик партия штаби Европа Иттифоқи штаб-квартирасидан электрон мактуб олди. Унда Таро Асо Япония бош вазири лавозимига сайлангани муносабати билан Еврокомиссия раҳбари Жозе Мануэл томонидан қутланган. РИА Новости хабарига кўра, компьютер носозлиги туфайли табрик хати Таро Асо бу лавозимга сайланишидан қарийб бир кун олдин жўнатилган. Таро Асо мазкур партиянинг амалдаги котибидир.

Эслатиб ўтамиз, 24 сентябрь куни парламентнинг навбатдан ташқари йиғилишида Таро Асо тўғридан-тўғри бош вазир лавозимига сайланиши кутилмоқда.

ПОКИСТОН ЁРДАМНИ РАД ЭТДИ

Покистон ҳукумати Исломободдаги Marriott меҳмонхонасида содир этилган портлашни текширишда АҚШ ҳукумати таклиф этган ёрдамни рад этди, деб хабар беради USA Today. Портлаш оқибатида камида 53 нафар фуқаро қурбон бўлган, бино ичида кучли ёнғин чиққан. Мамлакат ички ишлар вазирлиги қўпорувчиликни «Толибон» ҳаракати жангарилари содир этган, деб гумон қилмоқда. Бирон-бир қўпорувчилик гуруҳи ҳалигача мазкур террор ҳаракати учун жавобгарликни бўйнига олгани йўқ.

Портлаш туфайли Чехиянинг Покистондаги элчиси, шунингдек, АҚШ, Германия ва Вьетнам фуқаролари ҳам бевақт оламдан ўтган.

ҚОҲИРАДА ФАЛАСТИН МУЗОКАРАЛАРИ

ФАТХ Фаластин ҳаракати делегацияси раҳбари Маҳмуд Аббос Қоҳирада фаластинликлар муаммосини ечиш бўйича музокара олиб боради, деб хабар беради РИА Новости. Делегация Фаластин муаммосини бартараф этиш жараёнида воситачилик қилаётган Миср махфий хизмати раҳбари Умар Сулаймон билан учрашиши режалаштирилган. Айни вақтда Ғазо секторини назорат қилаётган ХАМАС ислом Фаластин ҳаракати вакиллари 8 октябрь куни ҳам Миср пойтахтига ташриф буюради.

Миср иштирокида Фаластин гуруҳлари ўртасида олиб борилаётган музокаралар 2007 йили ҳарбий тўнтариш содир этилиб, Ғазо сектори хамасчилар қўлига ўтгач, тўхтаб қолган эди, ҳозирги саъй-ҳаракатлар шу мулоқотни қайта тиклашга қаратилгандир.

Ҳозир Фаластин ҳудудида — Ғазо сектори ва Иордан дарёсининг Ғарбий қирғоғида алоҳида-алоҳида маъмурият фаолият юритмоқда.

Барча турдаги қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига!

БУХОРО ВИЛОЯТ 1-СОН ҚОН ҚУЙИШ МАРКАЗИ

Қурилишни тўлалигича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан қуйидаги иншоотга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:

Бухоро шаҳри, Чўлпон, 12-кўчасидаги бинони қон қуйиш марказига қайта реконструкция қилиш.

Буюртмачининг бошланғич нархи — 680392930 сўм.

Қурилиш ишларини бажариш муддати — 3 ой.

Қурилиш ишлари маҳаллий бюджет маблағи ҳисобидан молиялаштирилади.

Буюртмачи манзили: Бухоро шаҳри, Обод кўчаси, 79-уй.

Факс: 224-85-26, **телефон:** 224-89-08.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: устав сармояси миқдори, танлов савдолари предметининг камида 20 фоиз миқдорида айланма маблағларга ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибаси ва кўникмаларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга ҳамда ўзаро ишончга, шунингдек, етарли ишчи кучи захираларига эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига, қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

Бухоро шаҳар, Навоий шоҳ кўчаси, 5-уй, 18 хона. Тел: 223-96-29, факс: 223-97-51.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 60000 сўм.

Оферталар савдо ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази томонидан қуйидаги манзилда қабул қилинади:

Бухоро шаҳар, Навоий шоҳ кўчаси, 5-уй, 18 хона.

Тел: 223-96-29, факс: 223-97-51.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин, қуйидаги манзилда Бухоро шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 5-уй, 18-хонада соат 10.00 да бўлиб ўтади.

МАҲСУЛОТГА ТАЛАБ КАТТА

«Қўқонмебель» масъулияти чекланган жамият қошида пойабзал ишлаб чиқариш корхонаси иш бошлади.

Мамлакатимизда ишлаб чиқаришни модернизациялаш, инвестицияларни янада кенгроқ жалб этиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 11 апрелда қабул қилинган «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги»ги фармони бу борада муҳим аҳамият касб этаётир.

Ҳозир корхонада бир кеча-кундузда 500 жуфт махсус пойабзал тайёрланмоқда. Бу маҳсулотларга металлургия комбинатлари ва қурилиш ташкилотларидан кўплаб буюртма тушаётир. Бу ерда 80 нафарга яқин йигит-қиз меҳнат қилмоқда.

М.СУЛАЙМОНОВ, ЎзА мухбири

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

I. НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

қуйидаги иншоотларга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича очиқ танлов савдоларини

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1	Наманган вилояти, Янгиқўрғон тумани, Заркент қишлоғида «Транспорт ва боғдорчилик» йўналишидаги 615/50 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежини тайёр ҳолда қуриш.
2	Наманган вилояти, Янгиқўрғон тумани, Бегобод қишлоғида «Маиший хизмат» йўналишидаги 615/50 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежини тайёр ҳолда қуриш.

Қурилиш объектларининг барчасини якунлаш муддати — 2009 йил 1 август.

Буюртмачи: Наманган шаҳри, А.Темур кўчаси, 105-уйда жойлашган Наманган вилоят ҳокимлигининг Ягона буюртмачи инжиниринг компанияси.

Телефон: (8-3692) 26-22-60, 33-77-06.

Қурилиш ишлари Наманган вилоят ҳокимлигининг Ягона буюртмачи инжиниринг компаниясига ажратилган давлат маблағи ҳисобидан молиялаштирилади.

II. НАМАНГАН ВИЛОЯТ КОСОНСОЙ ТИББИЁТ КОЛЛЕЖИ

№	Иншоот номи	Бошланғич нархи ҚҚС билан (сўм)	Қурилишни якунлаш муддати (кун)
1	Наманган вилояти, Косонсой шаҳридаги тиббиёт коллежи ҳудудида «Кутубхона» қурилиши	45 871 262	3 ой

Буюртмачи: Наманган вилояти Косонсой тиббиёт коллежи

Телефон: (8-369) 65-22-810, 65-21-401, 65-21-013

Қурилиш ишларини молиялаштириш маҳаллий маблағ ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдо предметининг 20 фоиз миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала, ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Наманган вилоят консалтинг марказига, қуйидаги манзил бўйича: ***Наманган шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 36-уй (Матбуот уйи, 4-қават), иш кунлари соат 10.00 дан 17.00 гача*** мурожаат қилишлари мумкин.

Телефон/факс: (8-369) 226-14-50, 226-47-91.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 60000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: ***Наманган шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 36-уй.***

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Объектлар номи: Касб-ҳунар коллежлари қурилиши (Калити билан).
1	Фарғона вилояти, Ёзёвон тумани, Қоратепа қишлоғидаги 795/50 ўқувчи ўринли
2	Фарғона вилояти, Бағдод тумани, Ҳусниобод қишлоғидаги 825/50 ўқувчи ўринли
3	Фарғона вилояти, Бувайда тумани, Оққўрғон қишлоғидаги 825/50 ўқувчи ўринли
4	Фарғона вилояти, Қува тумани, Акбаробод (Сойгузор) қишлоғидаги 795/50 ўқувчи ўринли
5	Фарғона вилояти, Олтиариқ тумани, Олтиариқ марказидаги 795/50 ўқувчи ўринли
6	Фарғона вилояти, Олтиариқ тумани, Файзобод қишлоғидаги 615/50 ўқувчи ўринли
7	Фарғона вилояти, Учқўприк тумани, Қирғиз қишлоғидаги 825/50 ўқувчи ўринли
8	Фарғона вилояти, Фурқат тумани, Кичик-Янги қишлоғидаги 615 ўқувчи ўринли

Муддати — 10.08.2009 йил

Буюртмачи: Фарғона вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

Манзили: Фарғона шаҳар, Қ.Раҳимов кўчаси, 2-а уй, **телефон:** 224-24-33.

Таъмирлаш ишлари Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20 фоиз миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуққа эга, ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига, қуйидаги манзил бўйича:

Фарғона шаҳри, Қ.Раҳимов кўчаси, 2-а уй, (Фарғона вилояти «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси бинаси), телефон: 224-18-76, факс: 224-74-20 мурожаат қилишлари мумкин.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

ҚАДИМИЙ БОЗОРНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҚИЁФАСИ

Самарқанд шаҳридаги «Сиёб деҳқон бозори» капитал реконструкция ишларидан сўнг янада кўркам қиёфа касб этди.

Қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқандга келган ҳар бир меҳмон унинг бетакрор тарихий обидалари, гўзал боғларини томоша қилиш билан бирга, албатта, «Сиёб деҳқон бозори»га ҳам киради. Бу ердаги расталарни тўлдириб турган она замин неъматлари — сархил мева-сабзавот, полиз маҳсулотлари, нон ва ширинликлар халқимизнинг ризқи бутун, дастурхони тўкинлигидан далолат беради.

Ушбу савдо мажмуасини бугунги кун талаблари даражасига келтириш, сотувчи ва харидорлар учун қулай шароит яратиш мақсадида реконструкция ишлари амалга оширилди. Қисқа вақт мобайнида «2-механизациялашган кўчма колонна» масъулияти чекланган жамият ва бир қатор пудратчи ташкилотлар томонидан катта ишлар бажарилиб, бозорнинг ташқи ва ички кўриниши бутунлай янгича қиёфа касб этди.

Бозор ҳуснига соя солиб турган эски бинолар олиб ташланиб, яхлит меъморий уйғунликка эга замонавий савдо дўконлари барпо этилди.

Бозорнинг очилиш маросимида иштирок этган вилоят жамоатчилик вакиллари, нуронийлар ва меҳнат фахрийлари амалга оширилган бунёдкорлик ишларига юқори баҳо бердилар.

— Халқимизда бозорнинг ободлиги — юртнинг ободлиги, деган нақл бор, — дейди меҳнат фахрийси Қурбон Йўлдошев. — Кейинги йилларда Самарқанд шаҳрида кенг кўламли қурилиш ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, кўплаб янги бино ва иншоотлар, йўллар ва хиёбонлар барпо этилди. Ушбу савдо маркази ҳам ана шу эзгу мақсад йўлидаги ишларнинг давомидир.

Ф.ҲАСАНОВ,
ЎзА мухбири

Суратларда: бозорнинг бугунги ҳаётидан лавҳалар.

Ҳусан ТЎҒИЗОВ олган суратлар.

✓ 2008 йил — Ёшлар йили

БУГУНГИ ВА ЭРТАНГИ КУНИМИЗНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Улғайиб келаётган авлодни ҳар жиҳатдан етук ва баркамол этиб тарбиялаш, ёшларга жаҳон андозалари даражасида таълим бериш, миллий қадриятларимизга ва истиқлол ғояларига садоқатли, ўз касбини чуқур эгаллаган малакали кадрларни тайёрлаш давлатимиз раҳбари Ислом Каримов юритаётган сиёсатнинг устувор йўналишларидандир.

Бу борада ишлаб чиқилган давлат дастурларида белгиланган вазифалар босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этилаётгани туфайли юртимизнинг барча ҳудудларида, жумладан, чекка қишлоқларда ҳам жаҳон андозалари даражасида кўплаб таълим муассасалари барпо этилиб, замонавий ўқув-услубий воситалар, компьютер ва тегишли жиҳозлар билан таъминланмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг «Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг 90 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори бу жараёндаги ишлар кўламини янада кенгайтириш, таълим ва илм-фан ривожида муҳим ўрин тутадиган кўҳна ва навқирон таълим даргоҳининг ёшлар камолотидаги ўрни ва ролини ошириш, унда шаклланган таълим ва илм-фан мактабларининг жаҳон илм-фани тизимида тутган ўрнини кенг намойиш этишда муҳим дастуриламал бўлаётир.

Мазкур юбилейни юқори савияда ўтказиш ҳамда «Ёшлар йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида пойтахтимизнинг «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Ўзбекистон Миллий университети тубдан таъмирланиб, аудиториялар ва ўқув-тажриба лабораториялари янги жиҳозлар билан таъминланди, талабалар турар жойлари ва бошқа инфратузилмалар янада кўркам қиёфа касб этди.

Мамлакатимиздаги турли олий ўқув юртларида таҳсил олаётган талаба-ёшларни тенгдошларининг ана шундай жўшқин ҳаёти, таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар ва улғайиб келаётган авлоднинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини янада юксалтириш борасида амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан таништириш мақсадида ташкил этилган мазкур фестивалда олий таълим муассасалари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида таҳсил олаётган юзлаб ёшлар иштирок этди.

Фестиваль иштирокчилари даставвал Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйдилар. Улар пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойлари, мустақиллик даврида бунёд этилган иншоотлар, музейлар ва бошқа тарихий мажмуалар билан танишдилар. Жумладан, Темурийлар тарихи давлат музейини бориб кўрдилар. Ҳазрати Имом мажмуасини зиёрат қилдилар. Спортнинг турли йўналишлари бўйича ўзаро беллашдилар. Ўзбекистон Миллий университети олимлари, профессор-ўқитувчилари иштирокида давра суҳбатлари ташкил этилди.

«Ёшлик» талабалар шаҳарчасида қад ростлаган «Маънавият ва маърифат» маркази, Сув спорти саройи, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази, талабалар турар жойларида яратилган шароит, Ўзбекистон Миллий университети музейи, ахборот-ресурс маркази ва ушбу таълим даргоҳи юбилейига бағишланган кўргазмалар тадбир қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.

— Иқтидорли ёшларни излаб топиш, уларнинг салоҳиятини руёбга чиқариш, келажак эгаларини миллий қадриятларимизга эҳтиром руҳида тарбиялаш Президентимиз Ислом Каримовнинг доимий эътиборида, — дейди Термиз давлат университети талабаси Обиджон Комилов. — Ўзбекистон Миллий университетининг юбилейи доирасида талаба-ёшлар фестивалининг ташкил этилиши ҳам ана шундай мақсадларга хизмат қилади. Пойтахтимизда амалга оширилган кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари ҳар қандай одамнинг ҳайрат ва ҳавасини оширади. Давлатимиз раҳбари томонидан биз, ёшларга кўрсатилаётган доимий эътибор ва ғамхўрликка жавобан, ўқиш ва жамоат ишларида янада фаол бўлиш, жамиятимиз ривожига муносиб улуш қўшишга қодир етук мутахассис бўлиб етишиш бурчимиздир.

Фестиваль доирасида ташкил этилган илмий мулоқотлар унинг барча иштирокчиларида, жумладан, Фарғона давлат университети филология факультети 4-курс талабаси, Навоий номидаги давлат стипендияси совриндори Соҳиба Зокировада ҳам унутилмас таассурот қолдирди.

— Ўзбекистон Миллий университетидан илм-фаннинг бошқа соҳалари қатори кўплаб тилшунос олимлар ҳам етишиб чиққан, — дейди С.Зокирова. — Талабалар фестивалида мазкур йўналишда кўплаб янги маълумотларга эга бўлдим, пойтахтимиздаги олий ўқув юртларида, хусусан, Ўзбекистон Миллий университетида таҳсил олаётган тенгдошларимизнинг ҳаёти, улар учун яратилган шароит билан яқиндан таништик. Буларнинг барчаси мамлакатимизда биз, ёшлар камолоти йўлида кўрсатилаётган ғамхўрликнинг амалдаги ифодаларидир.

Фестивалнинг тантанали маросимида Ўзбекистон Миллий университетининг тарихи, ёшларимизнинг илм-фан, маданият, санъат, спорт ва бошқа жабҳаларда эришаётган ютуқлари акс этган томошаларга алоҳида ўрин ажратилгани ҳам иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Таниқли санъаткорлар, «Ниҳол» мукофоти совриндорлари ва ёш ижрочиларнинг концерти томошага янада файз киритди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Қосимов, Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев иштирок этди.

Баҳор ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири
Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA'DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Tat'yana KISTANOVA
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56
Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17
Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Guliston da — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Mirbaxtiyor MIRFAYZIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 849
8129 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 21.10
Topshirilgan vaqti — 23.30
1 2 3 4 5 6 8
Sotuvda erkin narxda

ЖУРНАЛНИНГ ЯНГИ СОНИ

Инсон ҳуқуқлари Миллий Маркази муассислиги ва Касаба уюшмалари Федерацияси, Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ҳаммуасислигида чоп этилаётган «Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари» журналининг навбатдаги сони босмадан чиқди.

Уч тилда нашр қилинадиган журналда Нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати Кенгашларининг қўшма қарори билан бирга унинг шарҳи ҳам эълон қилинган. Мамлакатимиздаги жамоат фондлари фаолиятини такомиллаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси, суд ҳокимияти ва унинг мустақиллиги, ёшлар ва виждон эркинлиги ҳамда халқаро ҳуқуққа оид кўплаб мақолалар журналхонлар эътиборини тортиши шубҳасиз. Шунингдек, рус ва инглиз тилларида инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва унинг ўзбек миллий қонунчилигидаги имплементацияси, фуқаролик жамияти ва демократик давлат қуриш хусусида қатор мақолалар чоп этилган.

?! Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг

КУЗАКДА НОК ГУЛЛАДИ

Турфа феъли одамларимиз. Кимдир автомобиль ишқибози бўлса, бошқа биров танга йиғишга қизиқади. Яна кимдир дунё мамлакатлари пулидан «коллекция» тўплайди. Шунингдек, турли ручка, бир-бирига ўхшамайдиган қалам йиққанларни учратиш мумкин. Кўкрак нишони, марка, қўл телефонига ошуфталар ҳам бисёр.

Деновлик Аъзам Абдураимов эса табиат ажойиботлари ишқибози. У бетакрор лаҳзаларни тасвирга муҳрлайди. Унинг хазинасида кишини лол қолдирадиган ажойиб ҳамда антиқа суратлар мужассам. Уларнинг бирида бўйи 8 метр, эни икки кишининг қулочи аранг етадиган улкан музли сумалак акс этган бўлса, бошқасида ҳиндистонлик сайёҳнинг ҳайрати ўз аксини топган. Бундан ташқари «Қушлар дийдори», «Ҳайвонот олами мўъжизалари», «Наботот дунёси янгиликлари» ҳам кишини таажжублантиради.

— Бундай лаҳзаларни фақат илғай олиш керак, — дейди Аъзам Абдураимов. — Воқеликни ўз вақтида тасмага муҳрлаш кишидан масъулият, қунт ва эпчилликни талаб этади. Сал кечиксангиз, армонда қоласиз. Чунки сабрсизлик билан қутилган онлар ўтади-кетади.

Яқинда яна бир воқеанинг гувоҳи бўлдим. Ҳовлимизда талай мевали дарахтлар бор, денг. Ишонасизми, эрталаб нокнинг қийғос гуллаганига кўзим тушди. Дарров суратга олдим. Кузда гуллаган нокни биринчи кўришим-да. Бир дарахт танасида йилнинг уч фасли мужассамлашгандек гўё. Оппоқ гуллар баҳорни эслатса, яшиллик жазирама ёздан далолат беради. Хазонрезги барглардан эса куз фасли иформини сезиш мумкин. Шунда она диёримизнинг табиати нақадар бетакрор эканлигини туйдим.

— Нок кенг тарқалган мева, — дейди биология фанлари номзоди Қайнар Файзиев. — Дунё бўйича унинг 500 дан ортиқ нави бор. Мамлакатимизда эса юздан ошиқ тури учрайди. Унинг меваси турли хасталикларга шифо. Нок йилда бир марта ҳосил беради. Унинг куз ойида гуллаши камдан-кам кузатилган. Бу, менимча, яхши парвариш маҳсули. Аммо, иккинчи марта меваси пишмай қолади...

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Қонунсиз ҳаракат

ТЕКШИРУВЧИЛАР ЖАЗОЛАНДИ

ёки ваколатни суиистеъмол қилиш

Истиқлол йилларида мамлакатимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва уни ҳар томонлама ривожлантиришга катта эътибор бериб келинмоқда.

Президентимизнинг «Тадбиркорлик субъектларини текширишларни тартибга солиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига асосан назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текширишлар сони кескин камайди. Мазкур Фармонда назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари томонидан тадбиркорлик субъектларини рухсатсиз текширилганлиги ва уларнинг хўжалик фаолиятига ноқонуний аралашилганлиги учун етказилган иқтисодий зарарнинг ўрни қопланган ҳолда жавобгарликка, ҳатто жиноий жавобгарликка тортилиши қатъий белгилаб қўйилди. «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонга асосан эса тадбиркорларга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари фақат судлар орқали амалга оширилиши лозимлиги белгилаб қўйилди.

Қисқаси, мамлакатимизда бугунги кунда тадбиркорларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, манфаатларини ҳимоя қилувчи ҳуқуқий база яратилган, яъни улар фаолиятининг эркинлиги қонуний кафолатланган. Тадбиркорликнинг ривожланиши мамлакат иқтисодиёти тараққиётида, янги иш ўринлари яратилишида, аҳолини ижтимоий ҳимоялашда муҳим ўрин тутади.

Афсуски, тадбиркорлар фаолиятини қонунсиз текшириш, уларга тўсқинлик қилиш ҳолатлари ҳамон учрамоқда. Бундай муаммоларни бартараф этиш, тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга амалий ёрдам кўрсатиш борасида Адлия идоралари зиммасига катта масъулият юклатилган. Наманган вилоят адлия бошқармаси томонидан бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Уйчи туманидаги «Жасурбек» хусусий фирмаси раҳбари Г.Джалимованинг Уйчи туман Давлат солиқ инспекцияси ходимларининг хатти-ҳаракатларидан норози бўлиб ёзган аризаси адлия бошқармаси мутахассислари томонидан ўрганиб чиқилди. Ўрганиш жараёнида шу нарса маълум бўлдики, солиқ инспекциясининг назорат шўъба инспектори М.Мамадалиев томонидан шу йилнинг январь ойида Назорат қилувчи органлар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи республика кенгаши рухсатисиз «Жасурбек» фирмасида текшириш ўтказилган. Мазкур ҳолат юзасидан Уйчи туман ДСИ ходими М.Мамадалиевга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 241-моддасига асосан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузилиб, қонуний чора кўриш учун Жиноят ишлари бўйича Уйчи туман судига тақдим қилинди. Суд қарорига асосан М.Мамадалиев 55890 сўм миқдорида маъмурий жарима жазосига тортилди.

Худди шунингдек, СВОЖЖДЛҚК департаменти Наманган туман бўлими ходимлари Б.Ходжиев ва Б.Мирзаахмедов ҳам Назорат қилувчи органлар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи республика кенгаши худудий комиссиясидан рухсат олмаган ва «Текширишларни рўйхатга олиш китоби»га белгиланган тартибда ёзувлар киритмаган ҳолда «Раустон саноат савдо сервис» хусусий корхонасида текшириш ўтказганликлари аниқланди. Мазкур ҳолат бўйича СВОЖЖДЛҚК департаменти Наманган вилоят бошқармасига вилоят адлия бошқармаси томонидан тақдимнома киритилди. Адлия бошқармаси томонидан киритилган тақдимномага асосан ўзбошимча текширувчиларга «ҳайфсан» берилиб, улар интизомий жазога тортилдилар.

Назорат қилувчи органлар ходимлари томонидан ўз ваколатларини суиистеъмол қилиб, белгиланган муддатлардан ортиқча текширишлар ўтказиш ҳолатлари ҳам учраб турибди. Жумладан, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Қонун талабларига зид равишда текширишлар ўтказган Наманган шаҳар Давлат санитария ва эпидемиология назорати маркази санитария врачи А.Умаров ҳамда Уйчи туман ДСИ ходимлари Р.Маматхонов ва А.Бойматов ҳам худди шундай интизомий жазога тортилдилар.

Юқорида қайд этилган мисоллардан кўриниб турибдики, назорат қилувчи органларнинг айрим масъул ходимлари ўз зиммаларидаги масъулият, бурч ва ваколат доирасини тўлиқ ҳис қилмаяптилар. Аслида назоратчининг ўзи қонунни яхши билиши ва унга оғишмай амал қилиши лозим.

Жамолиддин ЭРГАШЕВ,
Наманган вилоят адлия бошқармаси бошлиғи, I даражали адлия маслаҳатчиси.